

«Ҳамд байроғи менинг қўлимдадир»



19:00 / 21.12.2018 4749

Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Одамлар қайта тирилтирилганларида мен уларнинг аввалгисиман. Тўпланиб келганларида мен уларнинг хатибиман. Ноумид бўлганларида мен уларнинг хушxabарчисиман. Ул кунда ҳамд байроғи менинг қўлимдадир. Фахр эмас-ку, мен Роббим ҳузурида одам боласининг энг мукаррамиман», дедилар».

Шарҳ: Ушбу ҳадиси шарифда Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам фахр учун эмас, балки воқеъликдаги ҳақиқат бўлмиш ҳолатни васф қилган ҳолда ўзларининг афзалликларидан бир нечтасини зикр қилмоқдалар.

1. «Одамлар қайта тирилтирилганларида мен уларнинг аввалгисиман».

Яъни «Вақти соати етиб, қиёмат қоим бўлиб, Аллоҳ таоло томонидан одамлар қайта тирилтирилганларида мен уларнинг ичидан биринчи бўлиб тирилтириламан». Аввал ҳам ўрганиб ўтганимиздек, бу улкан фазлдир.

2. «Тўпланиб келганларида мен уларнинг хатибиман».

Яъни «Қиёмат куни қайта тирилтирилган одамлар Роббилари ҳузурига тўпланиб келганларида мен уларга қарата хутба қиламан». Албатта, ана шундай улуғ мақомда, маҳшарда, Аллоҳ таолонинг ҳузурда қиёмат аҳлига қарата хутба қилиш ҳуқуқининг берилиши ҳазилакам иш эмас. Бу ҳол Муҳаммад мустафо соллаллоҳу алайҳи васалламнинг Аллоҳ таолонинг ҳузурдаги мақомлари қанчалик улуғ эканлигини, у зот инсон зотининг афзали эканлигини яна бир бор кўрсатади.

3. «Ноумид бўлганларида мен уларнинг хушхабарчисиман».

Яъни «Одамлар қиёмат даҳшатларини кўриб, ҳамма нарсадан умидларини узиб бўлганларида мен уларнинг жаннатиларига хушхабар берувчиман».

Албатта, бу мақом ҳам энг улуғ, ҳеч бир одам зотига насиб этмаган мақомдир. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳаммадан афзал эканликларини шунинг ўзидан ҳам билиб олса бўлади.

4. «Ул кунда ҳамд байроғи менинг қўлимдадир».

Бу маъно ҳам олдин ўтган. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг «ҳамд байроғи менинг қўлимдадир» деган гаплари «мен катта шафоатни қилганимда аввалгию охириги халойиқ менга мақтов айтадир», деганларидир.

5. «Фахр эмас-ку, мен Роббим ҳузурда одам боласининг энг мукаррамиман», дедилар».

Ҳа, Роббил оламин ҳузурда Муҳаммад мустафо соллаллоҳу алайҳи васалламдан мукаррамроқ одам боласи йўқ. Албатта, бу гапни Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам мақтаниш учун айтган эмаслар, балки воқеълик шу. Бу эса ўз-ўзидан Муҳаммад мустафо соллаллоҳу алайҳи васалламнинг энг афзал банда эканликларини кўрсатади.

Яна ўша кишидан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Мадинага кирган куни ундаги барча нарсдан зиё чиқди. У зот вафот этган куни ундаги барча нарсани зулмат босди».

Шарҳ: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Маккаи Мукаррамадан ҳижрат қилиб, Мадинаи Мунавварага етиб келиб, унга кирганларида у зотнинг фазлларида шаҳардаги ҳамма нарсалардан зиё таралиб, нур чиқиб кетгани Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг афзалликларининг яна бир далолатидир.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам дорулбақога рихлат қилганларида у зотнинг фазлларида ажраб қолаётган Мадинаи Мунавварадаги ҳамма нарса зулматга кўмилган экан. Бу ҳол ҳам Муҳаммад мустафо соллаллоҳу алайҳи васалламнинг афзалликлари қай даражада улуғ эканлигига ишорадир.

«Ҳадис ва ҳаёт» китобидан